

Шу замонда аклни ким ўрганади, насихатни ким тинглайди?

Бирови – бўлис, бирови – бий. Уларнинг акл ўрганагин, насихат тинглагин деган ўйи бўлса, бу амалга сайланиб-да юрмас эди. Улар ўзимиз тенги йўк атокли одамлармиз, ўзимиз бировларга ўртак бўлиб акл берадиганмиз, деб сайланди. Уларнинг фикрича, ўзлари тузалиб бўлган, энди элни тузатишгина қолган. Улар қандай қилиб насихат тингласин ва тинглагин деса, қўли тегадими ўзи? Унинг бошида ўзига етарли юмуши бор: улугимиз олдида айбдор бўлмаймизми, элдаги қилмишларимиз ошқор бўлиб қолмасмикин, ё бўлмаса, халқимизнинг ўзини яшириб қўйсакми, ёки ўзимиз чикимга тушиб, чикимни қоплай олмай қол- лаверамизми, деб бировни етилтирай, бировни қутултирай деган ташвишнинг бари бошида, сира қўли тегмайди.

Бойлар ҳам бошига бир кун бўлса-да, дав- лат қўниб, дунёнинг ярмини эгаллагандай маст. Юпун-йўқни моли билан сотиб олади.

Қўнгиллари қўқда, қўзлари осмонда, адоқлик, одамлик, акл, илм, билим – ҳеч нарсани мол- дан қиммат демайди. Мол бўлса, Худо таоло- ни ҳам пора билан қўлга олса бўлади, дейди.

Унинг дини, Худоси, халқи, юрти, билими, уяти, ори, яқини – бари мол. Сўзни қандай уқсин, уқайин деса, қўли тегармиди? У – мол- ни сугармоқ, тўйдирмоқ; савдосини йўлга қўймоқ, қузаттирмоқ, боктирмоқ, ўғри, бўри, қиш, совуқ қабилардан саклайдиган қиши топмоқ билан овора. Буларнинг барини жой-жойига қўйиб, бош-оёғини ўринлаштиргунча қанча вақт кетади? Қўли тегмайди.

Энди ўғри, золим, шум, юзсизлар-қу ўзла- риёқ насихат тингламайди.

Унча-мунча пўстакбош бева-бечоралар қу- ниниям қўролмай юрибди. Ановилар ўшан- дай бўлиб турганда, булар билим, илм, акл- ни нима қилсин? Яна билим, илм қамбағалга сира қерағи йўқдай: “Бизга нима дейсан, ана, сўзни уқадиганларга айт!”- дейди. Унинг ўзга билан иши йўқ, анови олдиндаги уқовидай бўлган жоннинг ўйида ҳеч бир қайғуси, мунги бўлмаса қерак.